

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОГЛИКНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги

№ БД - 3-16



2019 йил «15» 04

2019 йил «15» апрель

ЭНДОКРИНОЛОГИЯДА ҲАМШИРАЛИК ИШИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 500 000 – Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот

Таълим соҳаси: 510 000 – Соғлиқни сақлаш

Таълим йўналиши: 5510700 – Олий ҳамширалик иши

Тошкент – 2019

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 20 19 йил "27" 04 даги "107"-сонли буйругининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги тиббиёт олий ва ўрта махсус касб-хунар таълим муассасалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 20 19 йил "15" 04 даги "1" - сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашда маъқулланган, ОЎМТВнинг 201 8 йил "7" 12 даги 1000-сонли буйруғи билан келишилган.

Фан дастури Тошкент тиббиёт академиясида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Разиқова И. С. - ТТА, Аллергология, клиник иммунология ва ҳамширалик иши кафедраси мудир, т.ф.д., профессор

Аликулова Д. Я. – ТТА, Аллергология, клиник иммунология ва ҳамширалик иши кафедраси катта ўқитувчи

Такризчилар:

Мухаммедхонова Ш. Т. – Тош ПТИ, Олий маълумотли ҳамшира факультети декани, доцент, т.ф.н.

Рустамова Ҳ. Е. – ТТА, Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш, бошқариш кафедраси мудир, т.ф.д., профессор

Фан дастури Тошкент тиббиёт академияси Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (201 9 йил "27 март" даги "8"-сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Эндокринологияда ҳамширалик иши фан дастури Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандарти ва олий ҳамширалик иши бакалаврият таълим йўналиши малака талабларига асосланган ҳолда тузилган.

Ушбу дастур тиббиёт олий ўқув юртлирининг олий маълумотли ҳамширалар тайёрлаш факультетининг 2 – курс талабаларига эндокринологияда ҳамширалик иши фанидан таълим бериш учун мўлжалланган. Эндокринологияда ҳамширалик иши фанининг дастури асосида ўқитиш жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаган ҳолда, бакалавр ҳамшираларнинг назарий билимларидан бошланғич амалий кўникмаларни фантомларда бажаришга ўргатиб ва ўзлаштирган кўникмаларини замонавий тиббий технологиялар орқали клиник амалиёт билан уйғунлаштирган ҳолда қўллашга имкон яратади.

Эндокринологияда ҳамширалик иши фани олий ҳамширалик иши таълим йўналиши ўқув режасининг клиник фанлар блокига оид бўлиб, 2 – курсда ўқитилади. Эндокринологияда ҳамширалик иши фанини ОСКИ ва оғзаки савол жавоблар назорати билан яқунланиши яхши самара беради.

Эндокринологияда ҳамширалик иши фанини ўқитишда анатомия, клиник анатомия, физиология, микробиология, патология, клиник фармакология, ҳамширалик иши, терапияда ҳамширалик иши, акушерлик ва гинекологияда ҳамширалик иши каби фанлар назарий замин бўлиб хизмат қилади.

Эндокринологияда ҳамширалик иши фанининг ўзи эса, олий ҳамширалик иши таълим йўналишида далилларга асосланган тиббиёт, онкологияда ҳамширалик иши, ҳамширалик иши, жамоада ҳамширалик иши, геронтологияда ҳамширалик иши, педиатрияда ва неонатологияда ҳамширалик иши каби клиник фанларга замин бўлиб хизмат қилади.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фанни ўқитишдан мақсад – “Эндокринологияда ҳамширалик иши ” - ихтисослик фани ҳисобланади. Олий ҳамширалик иши таълими йўналишида таҳсил олаётган бакалавр ҳамшираларга эндокрин тизим аъзолари, эндокрин тизимга хос бўлган гормонлар, эндокрин тизимни бошқариш механизмлари ҳақида кенг тушунча бериб, уларни ҳамширалик иши фаолиятида бошқа касалликлар билан ажратиб олишда имкон беради. Ушбу фан орқали талабалар ички секреция безлари гормонлар ишлаб чиқарувчи аъзоларнинг ўзига хос функциялари билан танишадилар. Ундан ташқари кенг тарқалган эндокрин касалликлар ривожланиши сабаблари ҳақида тушунча бериш, асосий даволаш принципларида ҳамширалар ролини ёритиш, эндокрин касалликлар олдини олишда ҳамширалар ролини кучайтириш, эндокрин касалликларда замонавий илмий ёндошувга эга бўлган парвариш кўникмаларини ўргатишдан иборатдир. Шу боисдан ҳам “Эндокринологияда

хамширалик иши” фани республикамиздаги эндокринология фаолияти бўйича фаолият юритувчи субъектларни назорат қилиш ва тартибга солишда муҳим роль ўйнайди.

Эндокринологияда хамширалик иши ўқув фанининг **вазифаси** – бакалавр ҳамшираларни ички секреция безлари гормонларини ишлаб чиқарувчи аъзоларнинг турли патологияларида ўзига хос ёндошувлар олиб боришни, турли эндокрин тизими касалликларини профилактикасида аҳоли орасида тушунтириш ишларини тарғиб қилишди, эндокрин тизимнинг асосий негизини вакенг тарқалган эндокрин касалликларнинг олиди олиш, аҳолига тиббий эндокрин хизматни ташкил этишда бакалавр ҳамшираларда назарий, амалий, услубий ва ташкилий билимларни ҳосил қилишдан иборат.

Талаба:

- эндокринология фанининг ривожланиш тарихини;
- Ўзбекистонда эндокринология илмий тадқиқот институти фаолияти ва истиқболлари;
- эндокрин тизим, гипоталамус, гипофиз тизими, гормонлари ва уларнинг ишлаб чиқилиш механизмлари, одам организмидаги ички аъзоларнинг гормонлари ва инсон организмидаги уларнинг роли;
- эндокрин тизимига оид гормонлар фаолияти тўғрисида **тасаввурга эга бўлиши**;
- эндокрин тизимининг анатомио-физиологик хусусиятларини;
- кенг тарқалган эндокрин касалликларнинг этиопатогенезини;
- эндокрин тизимини анатомио физиологик хусусиятларини;
- эндокрин тизимини хамширалик даражасида физикал текширишни;
- эндокрин безлар гормонининг хусусиятларини, нейротрансмиттерлар ёки нейромедиаторларга кирувчи гормонларни вазифасини;
- гипоталамик нейрогормонларга кирувчи гормонларни;
- маҳаллий гормон турларини ва биологик таъсирини;
- гормонларнинг биологик таъсирини;
- гормонлар секрециясининг бошқарилишини;
- эндокрин тизими энг кўп тарқалган касалликларини;
- эндокрин тизим касалликларида хамширалик жараёнини олиб бориш тактикасини **билиши ва улардан фойдалана олиши**;
- эндокринологик пациентлардан анамнезини мустақил йиға олиши;
- қалқонсимон безини пальпация қила олиш;
- қонда қанд миқдорини аниқлаш учун қон олиш;
- пешобда қанд миқдорини аниқлаш учун сийдик йиғиш;
- семизлик даражаларига кўра парҳез менюсини тузиб бериш;
- қандли диабетда парҳез тузиб бериш;
- қандли диабетда тана вазнига кўра инсулин дозасини ҳисоблаш;

- гормон миқдорини аниқлаш учун пациентдан қон олиш;
- гипогликемик комада биринчи ёрдам кўрсатиш;
- гипергликемик комада биринчи ёрдам кўрсатишга каби *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

1-Мавзу. Эндокринологияда ҳамширалик иши фанига кириш. Эндокрин тизим. Эндокрин тизимни инсон организмидаги аҳамияти. Ички секреция безлари, гормонларнинг биологик таъсири ва эндокрин тизимининг бошқарилиш механизмлари.

Эндокринологияда ҳамширалик иши фанига кириш. Эндокрин тизим. Эндокрин тизимни инсон организмидаги аҳамияти. Ички секреция безлари, гормонларнинг биологик таъсири ва эндокрин тизимининг бошқарилиш механизмлари. Ўзбекистонда эндокринология илмий тадқиқот институти фаолияти ва истикболлари. Эндокринология фанининг ривожланиш тарихи.

2-Мавзу. Гипоталамо - гипофизар тизим. Гипоталамо - гипофизар тизимикасалликлари гигантизм, нанизм, акромегалия, қандсиз диабетда ҳамширалик жараёни.

Гипоталамо - гипофизар тизим. Гипоталамо - гипофизар тизимикасалликлари гигантизм, нанизм, акромегалия, қандсиз диабетда ҳамширалик жараёни.

3-Мавзу. Буқоқ касалликларининг ўзига хос кечиши. Эндемик буқоқ, Диффуз токсик буқоқ ва гипотериоз касаллигига чалинган беморларни ҳамширалик жараёни асосида парваришlash.

Буқоқ касалликларининг ўзига хос кечиши. Эндемик буқоқ, Диффуз токсик буқоқ ва гипотериоз касаллигига чалинган беморларни ҳамширалик жараёни асосида парваришlash.

4-Мавзу. Моддалар алмашинуви касалликлари. Семизлик. Тушунча, таснифи, этиологияси. Семизлик касаллигида ҳамширалик жараёни. Семизликга қарши курашиш чора тадбирларида ҳамширанинг роли.
Моддалар алмашинуви касалликлари. Семизлик. Тушунча, таснифи, этиологияси. Семизлик касаллигида ҳамширалик жараёни. Семизликга қарши курашиш чора тадбирларида ҳамширанинг роли.

5-Мавзу. Қандли диабет. Қандли диабетнинг эпидемиологияси, этиологияси, таснифи, клиникаси, диагностикаси. Қандли диабет касаллигининг ўткир ва сурункали асоратлари. I ва II тур қандли диабет касаллигида ҳамширалик жараёни. Диабет мактабида ҳамшираларнинг роли.

Қандли диабет. Қандли диабетнинг эпидемиологияси, этиологияси, таснифи, клиникаси, диагностикаси. Қандли диабет касаллигининг ўткир ва сурункали асоратлари. I ва II тур қандли диабет касаллигида ҳамширалик жараёни. Диабет мактабида ҳамшираларнинг роли.

**IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар
Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:**

1. Эндемик буқоқ касаллигини даволашда ҳамширалик жараёни ва ҳамширалик парваришининг аҳамияти.
2. Диффуз токсик буқоқ касаллигида ҳамширалик жараёни. Диффуз токсик буқоқ касаллигини даволашда ҳамширалик парваришини аҳамияти.
3. Гипотиреоз касаллигида ҳамширалик жараёни. Гипотиреоз касаллигини даволашда ҳамширалик парваришини аҳамияти.
4. Алиментар семизлик касаллигида ҳамширалик жараёни ва семизликка қарши курашишда ҳамширалик ёндошуви.
5. Қандли диабет касаллигининг биринчи турида ҳамширалик жараёни.
6. Қандли диабет касаллигининг иккинчи турида ҳамширалик жараёни.
7. Қандли диабетнинг ўткир асоратлари коматоз ҳолатларда ҳамширалик ёрдамни ташкил этиш. Қанд микдорини пасайтирувчи дори воситалари. Инсулин препаратларининг турлари, юбориш техникаси.
8. Қандли диабетнинг сурункали асоратлари – диабетик макро – микро ангиопатиялар, нейропатияларда ҳамширалик жараёни, профилактика.
9. Диабетик товон. Актив патронаж. Диабетни даволашда ҳамширалик жараёнини қўллаш. Парҳез, фитотерапия, қандни тушурувчи таблеткалар, таъсир механизми, кўрсатмалар, инсулинтерапия.
10. Буйрак усти бези касалликларида ҳамширалик жараёни. Феохромацитома, Иценго - Кушинг касаллиги ва синдромида ҳамширалик жараёни ва ҳамширалик парваришининг аҳамияти.
11. Эндокринологик касалликларда беморларни ҳамширалик жараёни асосида замонавий ҳамширалик парвариш моделларидан фойдаланиб, КЕЙС стади орқали ҳимоя қилиш.

Амалий машғулотлар мультимедиа қурулмалари билан жиҳозланган аудиторияда, замонавий ўқув модулларида, клиника ошхоналарида диет

хамшира хонасида бир академик гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилиши лозим.

Машғулотлар фаол ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

Эндокринологияда ҳамширалик иши фани бўйича амалиётни ўтиш даврида талабалар амалий кўникмаларни ўзлаштиришлари кўзда тутилган.

Амалий кўникмалар рўйхати:

1. Эндокринологик пациентлардан анамнезини мустақил йиға олиши.
2. Қалқонсимон безини пальпация қила олиш.
3. Қонда қанд миқдорини аниқлаш учун қон олиш.
4. Пешобда қанд миқдорини аниқлаш учун сийдик йиғиш.
5. Семизлик даражаларига кўра парҳез менюсини тузиб бериш.
6. Қандли диабетда парҳез тузиб бериш.
7. Қандли диабетда тана вазнига кўра инсулин дозасини ҳисоблаш.
8. Гормон миқдорини аниқлаш учун пациентдан қон олиш.
9. Гипогликемик комада биринчи ёрдам кўрсатиш.
10. Гипергликемик комада биринчи ёрдам кўрсатиш.

V. Ўқув клиник амалиётни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Клиник машғулот учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Эндемик буқоқ касаллигини даволашда ҳамширалик ёндошуви.
2. Диффуз токсик буқоқ касаллигида ҳамширалик ёндошуви.
3. Гипотиреоз касаллигида ҳамширалик ёндошуви.
4. Моддалар алмашинуви бузилишида ҳамширалик ёндошуви. Алиментар семизликни даволашда ҳамширалик ёндошуви.
5. Қандли диабетнинг биринчи турида ҳамширалик ёндошуви.
6. Қандли диабетнинг иккинчи турида ҳамширалик ёндошуви.
7. Гипогликемик ва кетоацидотик комаларда ҳамширалик ёндошуви.
8. Қандли диабетнинг кечки асоратлари – диабетик макро – микро ангиопатиялар, нейропатияларда ҳамширалик ёндошуви.
9. Диабетик товонда ҳамширалик ёндошуви.
10. Буйрак усти бези касалликларида ҳамширалик парвариши. Феохроматцитома ва Иценго- Кушинго касаллигини даволашда ҳамширалик ёндошуви.
11. КЕЙС СТАДИга кўра ҳимоя иши

Эндокринологияда ҳамширалик иши фани бўйича клиник амалиётни даволаш профилактик муассасаларнинг барча соматик бўлимларида олиб бориш назарда тутилган. Бунда талабалар асосий маъруза ва амалий машғулотларда олган билим ва кўникмаларини палатада беморни парваришlashга оид кўникмалар билан бойитадилар. Талабалар томонидан ҳамширалик касаллик тарихини кундалик сифатида ёзиб борадилар ва ҳамширалик ёзувларини, хужжатлаштириш ишларини олиб борадилар.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Диетология фани бўйича талабанинг мустақил таълими шу фанни ўрганиш жараёнининг таркибий қисми бўлиб, услубий ва ахборот-ресурслари билан тўла таъминланган. Фан бўйича талаба мустақил иши шакллари қуйидагича белгиланган:

1. Айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш.

2. Берилган мавзу бўйича ахборот тайёрлаш.

3. Илмий мақола, анжуманга маъруза тезисларини тайёрлаш.

4. KEYS STADI ечиш.

5. График органайзерлар ишлаб чиқиш ва тўлдириш.

6. Кроссвордлар тузиш ва ечиш.

7. Вазиятли масалалар ечиш.

8. Берилган мавзу бўйича презентация тайёрлаш.

Талаба мустақил иши аудиторияда ва аудиториядан ташқари ўтказилади.

Талаба мустақил ишини ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

–Тиббиёт ОТМ клиникалари ва клиник ўқув базаларида аудиториядан ташқари ташкиллаштирилган клиник навбатчиликда тасдиқланган амалий кўникмаларни навбатчи шифокор-педагог назоратида сон ва сифат жихатдан бажариш ва навбатчилик дафтарларида акс эттириш;

–Тиббиёт ОТМ клиникалари ва клиник ўқув базаларида аудиториядан ташқари ташкиллаштирилган клиник навбатчиликда тасдиқланган рўйхат асосида навбатчи шифокор-педагог назоратида стандартлаштирилган пациентлар (беморлар) курациясини ўтказиш ва олиб бориш, касаллик тарихини ёзиш ва навбатчилик дафтарларида акс эттириш;

– Бирламчи бўғин тиббий муассасаларида аҳоли орасида тўғри овқатланишни ташкил этиш бўйича тарғибот ишларида қатнашиш;

– Беморлар курациясида даволовчи ёки навбатчи шифокор билан назорат қилишда иштирок этиш;

– Аҳоли орасида санитар оқартув ишларни суҳбат ва маърузаларни ўтказиш;

– Айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустикал ўзлаштириш;

–График органайзерлаш ишлаб чиқиш ва тўлдириш;

–Кроссвордлар тузиш ва ечиш;

–Презентация ва видеороликлар тайёрлаш ҳамда мустикал иш жараёнида кенг қўллаш ва ҳ.к.

– Фанни фаол ўзлаштиришда талабаларни танловлар, кўргазма, анжуманлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш.

Мустикал таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Аутоиммун тиреоидитларда хамширалик ёндошуви.
2. Акромегалия, гигантизм, нанизмда хамширалик жараёни.
3. Аддисон касаллигида хамширалик жараёни.
4. Эндокринологияда лаборатор ва инструментал текшириш усуллари.
5. Иценко-Кушенго касаллиги ва синдромини таққослаш.
6. Ёйма захарли буқоқ.
7. Қандсиз диабет.
8. Қандли диабетда асаб тизими бузилиши.
9. Қандли диабетда қон-томир тизимининг бузилиши.
10. Қандли диабет 1 турини даволаш принциплари.
11. Қандли диабет 2 турини даволаш принциплари.
12. Қандли диабетда диетотерапия, фитотерапия.
13. Эндемик буқоқ индивидуал ва гурухли профилактикаси.

Фан бўйича курс иши кўзда тутилмаган

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

Асосий адабиётлар

1. С.И. Исмаилов. “Эндокринологиядан танланган маърузалар тўплами”. Дарслик – Тошкент. “Ўқитувчи”. 2005 йил.
2. М.И. Балаболкин. “Эндокринология”. Учебник - “Феникс”. 1998 год.
3. А.Г. Гадоев. “Беморларни уйда ва шифохонада парваришлаш”. Дарслик – Тошкент. “Мухарир”. 2003 йил.

Қўшимча адабиётлар

1. В.И.Маколкин, С.И. Овчаренко, Н.Н. Семенов “Сестринское дело в терапии”. (глава 9 “Сестринский процесс при эндокринной патологии”). Учебник - Москва. “ПРОФИ-ИНФОРМ”. 2000 йил.
2. И.И.Дедов, Г.А.Мельниченко, В.В.Фадеев. “Эндокринология”. Учебник - Москва. “Феникс”. 2000 йил.
3. Н.С.Салахова, М.З. Мухтарова. “Эндокринологиядан қўлланма”. Ўқув қўлланма – Тошкент. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. 2003 йил.

Интернет сайтлари

www.fta.uz, www.ziyonet.uz, www.drdaurov.ru, www.nurse.ru,